

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Раҳмонов Шохрух Фахридинович

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

Elektron pochta: shohruhjohn@gmail.com

***Аннотация:** Мазкур мақолада ишни судга қадар юритиш даврида жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айблараётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи таҳлил қилинган бўлиб, унинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигини чеклашда ва айбсизлик презумпциясини қўллашда юзага келаётган муаммолар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мақолада суд-тергов амалиётида айнан шахс ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида юзага келаётган муаммолар таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** гумон қилинувчи, айбланувчи, айбсизлик презумпцияси, қамоққа олиш, эҳтиёт чораси.*

Жиноят ишини судга қадар юритишда шахснинг эркинлигини таъминлаш, қолаверса айбсизлик презумпциясининг тўлиқ ишлашига эришиш муҳим масала.

Мансабдор шахсларга гумон қилинаётганларнинг айбдорлиги ҳақида судгача баёнот бериш ман қилиниши керак ёки бундай ҳуқуққа фақатгина шахсни айблаш ваколатига эга бўлган шахс эга бўлиши керак. Д.Б.Базарованинг фикрича, шахснинг жиноят содир этганликда айбдорлиги ҳақидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва шубҳасиз етарли далиллар билан исботланиши лозим ¹. Бу талабнинг бажарилмаслиги жиноят ишининг

¹ Базарова Д.Б. Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал принциплар //журнал правовых исследований. – 2021. – Т. 6. – №. 10.

тугатилишига ёки ишни судда кўриш натижаси бўйича оқлов ҳукми чиқишига олиб келиши мумкин. Б.А.Саидов фикрича, миллий қонунчилигимизда айнан айбсизлик презумпцияси бузилишига йўл қўйиб берувчи нормалар мавжуд. Жумладан, у айбсизлик презумпцияси принципнинг талаблари тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида тергов органлари томонидан жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида айбланувчиларга нисбатан асослантирилмаган тақдимномалар киритиш амалиётига барҳам бериш зарурлигини таъкидлаган¹.

Процессуалист олим Ф.Г.Шахкелдовнинг таъкидлашича, мазкур презумпциянинг қонунчиликда акс этишидан мақсад шахснинг асоссиз равишда айбланишининг олидини олиш ҳисобланади². Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297, 299-моддалари мазмунидан англашиладики, тақдимнома ҳали шахснинг иши судда кўриб чиқилмасдан олдин уни давлат органи ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки жамоат бирлашмаси аъзолари олдида айбдор сифатида кўрсатади. Бошқача айтганда, мазкур турдаги тақдимномалар аслида жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўришга қаратилган бўлсада, унда жиноят содир этганликда айбланаётган аниқ шахс кўрсатилади. Ушбу тартибнинг яна бир жиҳати, тақдимнома унда шахси кўрсатилган фуқаронинг кейинги тақдирига, фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Айбланувчига нисбатан иш берувчи томонидан интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин, хатто лавозимидан четлаштирилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда³. Бундай амалиёт эса, бизнингча айбсизлик презумпциясига тўғри келмайди. Шу боис

¹ Саидов Б.А.. Ишни судга қадар юриштида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -30б. <https://interaktiv.oak.uz/avtoreferat/3a0264f01.file>

² Шахкелдов Ф. Г. Концептуальные аспекты презумпции невиновности в уголовном процессе: генезис и тенденции совершенствования: автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. <https://www.dissercat.com/content/kontseptualnye-aspekty-prezumptsi-nevinovnosti-v-ugolovnom-protsesse-genezis-i-tendentsii-s>

³ Прокурор протести айбсизлик презумпциясига зид...ми? <http://advokatnews.uz/xabar/747.html>

мазкур турдаги тақдимномаларни киритишда айбланувчининг шахсини муҳокама қилмасликка алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Эҳтиёт чоралари процессуал мажбурлов чораларининг жуда муҳим таркибий қисми саналади. Улар биринчи навбатда қонунбузарликнинг олдини олиш хусусиятига эга, бошқача айтганда бу чоралар қўлланиши мумкин бўлган шахсларнинг келгусида ғайриқонуний фаолиятига йўл қўймасликка хизмат қилиш билан бирга жинойт-процессуал фаолиятнинг самарали ташкил этилишига шароит яратади. Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи (алоҳида ҳолларда гумон қилинувчи) суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади (ЖПК 236-модда). Гумон қилинувчига нисбатан бу турдаги чораларни қўллашдаги асосий қийинчилик унинг процессуал мақомига бориб тақалади.

Қоида тариқасида эҳтиёт чоралари айбланувчиларга нисбатан қўлланилади, яъни шахсга нисбатан айблов эълон қилинган бўлиши лозим. Алоҳида ҳолларда эҳтиёт чораси гумон қилинувчи сифатида ЖПК [221-моддасига](#) асосан ушланган шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда эҳтиёт чораси ўн кунгача муддатга (ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда) қўлланилган ҳисобланиб, шу муддат ичида гумон қилинувчи жинойт ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши шарт¹. Бошқача айтганда, суриштирувчи, терговчи ва прокурорда шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилган вақтдан бошлаб айб эълон қилиш учун 10 кунлик муддат мавжуд. Бироқ, бундай ҳолларда айблов сифати шубҳа остида қолади. Бунинг сабаблари сифатида жинойт иши доирасида йиғилган далилларнинг етарли эмаслиги ва жинойт иши ҳолатларининг тўлиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/ru/docs/1595235>

ўрганилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Шунинг учун мазкур муддат ичида айб эълон қилиш масаласи процессуалист олимлар ўртасида баҳсга сабаб бўлмоқда. Жумладан, А.А.Бондарев фикрича, шошмашошарлик билан, етарли далилларни тўпламасдан туриб ёки зарур материалларни йиғмасдан туриб айбланган шахснинг тергов жараёнида айбсиз эканлиги маълум бўлиши ва реабилитация қилиниши мумкин¹. Шунинг учун олим бундай вазиятда айблов эълон қилиш муддатини узайтиришни таклиф этган. Д.А.Иванов ҳамда М.А.Куликовлар ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда мазкур тартибнинг камчиликларига тўхталган². Нима сабабдан бунчалик қисқа муддат берилганлиги, бу вақт ичида йиғиладиган далилларнинг етарлилиги ва умуман эълон қилинадиган айбловнинг сифати мунозарали масала. Амалдаги қонунчилигимиз бўйича, мазкур тартибга риоя қилиш жуда муҳим бўлиб, эҳтиёт чоранинг қонуний ва асосли танланганлиги шахсни гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишига тўғри жалб этилганлигига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Шунинг учун ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг қонунийлиги ва асослилигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарорнинг 9-бандида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарорда шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят, қилмиш квалификацияси, гумон қилинувчи, айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар, шунингдек шахсга нисбатан бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосалар баён этилиши лозимлиги назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатга биноан қарорга жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг, жиноят

¹ Бондарев А.А. Предъявление обвинения подозреваемому, в отношении которого применена мера пресечения. https://mvd.ru/upload/site129/folder_page/013/699/474/bondarev.pdf

² Куликов М.А., Иванов Д.А. Международные стандарты мер пресечения и их имплементация в законодательство Российской Федерации. Всероссийский криминологический журнал: 2020. Т. 14, № 4. С. 627. <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=23954>

ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг, ЖПК 221, 225-моддалари тартибида тузилган ушлаб туриш баённомасининг, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган асослар (масалан, гумон қилинувчининг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик) бўйича судга тегишли маълумотларни тақдим этмайди.

Судга тақдим этилган ҳужжатлар орасидан тезкор-қидирув фаолиятининг бирор натижаси ёки бошқа бир асословчи ҳужжат нусхаларини топиш деярли имконсиз. Процессуалист олим Т.Е.Каудыров ушбу масалани ўрганган ва унга кўра, мазкур тартиб гумон қилинувчи ёки унинг адвокатлари томонидан суднинг ажрими устидан бериладиган шикоятлар кўпайишига сабаб бўлади¹. Р.Р.Алекперов ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддаси 2-қисмида назарда тутилган нормани танқид қилиб, унинг айбсизлик презумпциясига зидлигини таъкидлаб ўтган². К.К.Карабаева қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилганда прокурор бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллашнинг иложиси йўқлигини исботлаб беришлари шартлигини айтиб ўтган. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган ҳолатларнинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида аниқ фактлар кўрсатилиши шарт.

¹ Каудыров Т.Е. Актуальные тренды правоприменительной практики в деятельности следственных судей. International scientific-analytical journal №3 (66)<https://journal.apa.kz/index.php/path/article/download/144/115>

² Алекперов Р.Р. О применении заключения под стражу в Республике Беларусь и в законодательстве иных государств – участников Содружества Независимых Государств. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-primeneni-i-zaklyucheniya-pod-strazhu-v-respublike-belarus-i-v-zakonodatelstve-inyh-gosudarstv-uchastnikov-sodruzhestva>

Шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, бошқача айтганда шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш учун унинг айби исботланиши, айблов эълон қилиниб, шахс айбланувчи тариқасида ишга жалб этилган бўлиши керак, истисно ҳолатлар бундан мустасно, албатта. Фақат ушланган гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш мумкин бўлиб, суднинг ажримига асосан йўл қўйилади, лавозимидан четлаштириш мажбурлов чорасини эса гумон қилинувчига нисбатан қўллаш тақиқланади. Бу чекловлар орқали жиноят ишига жалб этилган шахснинг эркинлик, шахсий дахлсизлик каби муҳим ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қонунчилик орқали қатъий ҳимоя қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Базарова Д.Б. Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал принциплар //журнал правовых исследований. – 2021. – Т. 6. – №. 10.
2. Саидов Б.А.. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -30б.
<https://interaktiv.oak.uz/avtoreferat/3aO264fO1.file>
3. Шахкелдов Ф. Г. Концептуальные аспекты презумпции невиновности в уголовном процессе: генезис и тенденции совершенствования: автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. <https://www.dissercat.com/content/kontseptualnye-aspekty-prezumpcii-nevinovnosti-v-ugolovnom-protsesse-genezis-i-tendentsii-s>
4. Прокурор протести айбсизлик презумпциясига зид...ми?
<http://advokatnews.uz/xabar/747.html>
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарори.

<https://lex.uz/ru/docs/1595235>

6. Бондарев А.А. Предъявление обвинения подозреваемому, в отношении которого применена мера пресечения. https://mvd.ru/upload/site129/folder_page/013/699/474/bondarev.pdf

7. Куликов М.А., Иванов Д.А. Международные стандарты мер пресечения и их имплементация в законодательство Российской Федерации. Всероссийский криминологический журнал: 2020. Т. 14, № 4. С. 627. <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=23954>

8. Каудыров Т.Е. Актуальные тренды правоприменительной практики в деятельности следственных судей. International scientific-analytical journal №3 (66) <https://journal.apa.kz/index.php/path/article/download/144/115>

9. Алекперов Р.Р. О применении заключения под стражу в Республике Беларусь и в законодательстве иных государств – участников Содружества Независимых Государств. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-primeneni-zaklyucheniya-pod-strazhu-v-respublike-belarus-i-v-zakonodatelstve-inyh-gosudarstv-uchastnikov-sodruzhestva>